

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРДАБАЕВ ШЕРЗОД ТОХИР ЎҒЛИ

**ТУРЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ МОРФОГЕНЕЗИГА ВА
УРУҒЛАРНИНГ СИФАТ МЕЗОНЛАРИГА ГЕРБИЦИДЛАРНИНГ
ТАЪСИРИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Пардабаев Шерзод Тохир ўғли

Турли ўсимликларнинг морфогенезига ва уруғларнинг сифат мезонларига гербицидларнинг таъсири..... 3

Пардабаев Шерзод Тохир угли

Влияние гербицидов на морфогенез различных растений и критерии качества семян 21

Pardabayev Sherzod Tokhir ugli

Effect of herbicides on morphogenesis of various plants and quality criteria of seeds 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПАРДАБАЕВ ШЕРЗОД ТОХИР ЎҒЛИ

**ТУРЛИ ЎСИМЛИКЛАРНИНГ МОРФОГЕНЕЗИГА ВА
УРУҒЛАРНИНГ СИФАТ МЕЗОНЛАРИГА ГЕРБИЦИДЛАРНИНГ
ТАЪСИРИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/В671 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хайдаров Хислат Қудратович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимжанова Холисхон Алимжановна
биология фанлари доктори, профессор

Носиров Бахтиёр Салоҳиддинович
қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/27.02.2020.B.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «13» июл куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Экология факультети биноси, 2-қават, 203-хона. Тел.: (+99871-246-67-72).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (56-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: (+99871-246-67-72).

Диссертация автореферати 2024 йил «27» июн куни тарқатилди.

(2024 йил «27» июндаги 18-рақамли реестр баённомаси).



Раҳимова Тўра Узоқовна

Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш раиси, биология
фанлари доктори, профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич

Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш котиби, биология
фанлари номзоди, доцент

Жаббаров Зафар Абдукаримович

Илмий даража берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунёда гербицидлардан фойдаланиш экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Одамлар ва иссиқ қонлилар учун сўнгги авлод гербицидларининг максимал хавфсизлиги нафақат препаратнинг ўзига хос хусусиятлари, балки хавфсиз фойдаланиш усули билан ҳам таъминланади. Айниқса, гербицидларни қўллашнинг мақсадли объектлари ёввойи ўсимликлар ва гербицидлар самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ифлосланишни камайтириш, экологик таҳлил қилиш ва уруғларнинг сифат мезонларига гербицидларнинг таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ўсимлик морфологик структурасининг алоҳида белгиларининг онтогенетик стратегия ва тактикалари асосида уруғнинг сифат мезонларига гербициднинг таъсирини аниқлаш ва сифатини баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, гербицидлар таъсири остида ўсимликлар морфологик структураси элементларининг ўзгарувчанлигини аниқлаш, ўсимлик морфологик структураси параметрлари индикаторлик ролини ва унинг гербицидди стрессда ўзгарувчанлигини баҳолаш, гербицидларни қўллашда маданий ўсимликларнинг жавоб реакцияларидаги горметик таъсирларни аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда атроф-муҳитда тўпланаётган токсик таъсир этувчи элементларни камайтириш, атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш ва ифлосланган майдонларни реконструкция қилиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, атроф муҳитни кузатиш, унинг ифлосланиш даражасини башорат қилиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф муҳитга таъсири устидан мониторингни амалга ошириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жумладан, қишлоқ хўжалиги майдонларида гербицидларнинг керакли турини ва меъёрини қўллаш орқали атроф табиий муҳитига зарарли таъсирини сезиларли камайтириш, қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган экинларнинг токсик муҳитда кўп тарқалган элементларни кам ўзлаштирувчиларини танлаб экиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора - тадбирлари тўғрисида»² ПФ-5742-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январ ПФ-60-сонли «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 03 июндаги 343-сон Қарорида 2021 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит мониторинги дастурига киритилган «Тупроқларни ифлослантирувчи манбалар мониторинги» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг кўплаб хорижий мамлакатларида маданий ўсимликлар морфологик ўзгарувчанлигини турли аспектларига бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу тадқиқотлар Shanner D.L. (2003), Riaz M. (2013), Sambyla C. N. (2014), Gadelha (2014), Feller (2015), Baranyiova I. (2016) Klem K. (2016), Mosanaei (2017), Rathore K.S. (2020), Khan S. (2022) каби хорижий олимлар томонидан олиб борилган.

МДХ мамлакатларида морфологик структураси кўрсаткичлари ва ўсимликлар ҳосилдорлиги ўртасидаги корреляциялар тадқиқ қилган олимлардан Гаврилец Т.В. (2023), Ершов В. Л. (2023), А.В.Байзигитова (2010), Э.З.Багавиева, М.Л.Пономарева (2012), В.С.Юсов. Экологик шароитларининг қулайлигини баҳолаш учун Г.Х.Шектыбаева (2011), Д.В.Пушкарев (2018), С.Г.Дюбина (2012). Ўсимликлар кимёвий ҳимоя воситаларининг экинга таъсирини баҳолаш учун Э.Я.Белецкая (2020). Онтогенетик тактикалар атамасини тушуниш нафақат онтогенезда, балки экологик градиентда ҳам кенгайтирган А.Р.Ишбирдин (2004), О.В.Пушкарева (2011), А.Т.Сафаргалина (2011), А.Р.Ишбирдин (2005), В.Н.Сулейманова (2007), В.Э.Кардашевская (2011), Н.Ю.Егорова (2011). Л.М. Мрясова (2013) Байзигитова (2010) Саратов 55 навли юмшоқ буғдой онтогенетик стратегияси аниқлаган.

Ўзбекистонлик олимлардан Тешабаев Ш.А. (2023), Гуломова М.М. (2023), Набижонова К. (2023), Мамажонова Н.А. (2014), Хасанова Ф. М. (2020), Эшонкулов М. А. (2020), С.А.Усманов (2016) каби бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Бироқ, ушбу олиб борилган тадқиқот ишлари Ўзбекистон худудида гербицид стрессига маданий ўсимликлар морфогенетик реакцияларидаги ҳаёт стратегияларининг намоён бўлиши ҳақида тўлиқ маълумот бера олмайди. Шу боисдан, Ўзбекистон худудидаги маданий ўсимликларнинг гербицид стрессига морфологик мослашиш усул ва белгиларини аниқлаш ҳамда уларни мониторинг қилиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика университети илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ №05-2018 “Жиззах

вилояти флорасининг биохилма-хиллигини ўрганиш, инновацион тадқиқотлар ўтказиш ва уларни муҳофаза қилишнинг биологик ва экологик асосларини аниқлаш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли ўсимликларнинг морфогенезига ва уруғларнинг сифат мезонларига гербицидларнинг таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Гербицидлар таъсири остида ўсимликлар морфологик структураси элементларининг ўзгарувчанлигини аниқлаш;

ўсимлик морфологик структураси параметрлари индикаторлик ролини ва унинг гербицидли стрессда ўзгарувчанлигини баҳолаш;

ўсимлик морфологик структурасининг алоҳида белгиларининг онтогенетик стратегия ва тактикаларини очиб бериш;

гербицидларни қўллашда маданий ўсимликларнинг жавоб реакцияларидаги горметик таъсирларни (эфектларни) аниқлаш;

уруғнинг сифат мезонларига гербициднинг таъсирини аниқлаш ва баҳолаш;

атроф-муҳитни токсик моддалар билан ифлослантирувчи ва зарарли таъсири кам бўлган гербицид турларини аниқлаш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Санзар навли юмшоқ буғдой ўсимлиги; Султан ва Ан-Боёвуд-2 навли ғўза; Юлдуз навли нўхат турлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети *Triticum aestivum L.*, *Gossypium hirsutum*, *Cicer arietinum L.*, гербицид, морфогенетик реакциялари, уруғ, сифат мезонлар, экологик хусусиятлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари.

Диссертацияда морфологик, экологик, юқори эфектли суюқ хроматография усули ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

Санзар навли юмшоқ буғдой ўсимлиги, Султан ва АН-Боёвуд-2 навли ғўза, Юлдуз навли нўхат турларининг экологик ва био-экологик индикатор хусусиятлари очиб берилган;

ўсимлик морфологик структураси алоҳида белгиларининг индикаторлик роли ва унинг гербицидли стрессда ўзгарувчанлиги исботланган;

ўсимлик морфологик структурасининг алоҳида белгиларининг онтогенетик стратегиялари ва тактикалари илмий асосланган;

турли ўсимликларнинг уруғлар сифат мезонларининг гербицидлар таъсирида ўзгариши илмий жиҳатдан исботланган;

гербицидларни қўллашда маданий ўсимликларнинг жавоб реакцияларидаги горметик таъсирларининг аҳамияти очиб берилган;

атроф-муҳитни токсик моддалар билан ифлослантирувчи ва зарарли таъсири кам бўлган гербицид турлари бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

Санзар навли юмшоқ буғдой ўсимлиги, Султан ва АН-Боёвуд-2 навли ғўза, Юлдуз навли нўхат турларининг гербицид стрессда онтогенетик стратегия ва тактикаларининг ўзгариши асосида уруғлар сифат мезонларининг ўзгариши очиб берилган;

гербицидларнинг турлари, меъёри ўсимликга таъсири натижасида барча морфологик структура белгиларининг интеграцияси асосида уруғлар сифат мезонларининг ўзгариши (CV%) исботланган;

атроф-муҳитни токсик моддалар билан ифлослантирувчи ва зарарли таъсири кам бўлган гербицид турларини аниқлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги: Диссертация натижаларининг ишончилиги даражаси кўп йиллик лаборатория ва дала тадқиқотлари натижасида олинган экспериментал материалнинг катта ҳажми билан, синалган методлардан кенг фойдаланиш, дастлабки материалнинг репрезентатив ҳажми ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган, нуфузли хорижий ва республика амалий журналларида чоп этилганлиги, натижаларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалик ўсимликлари (*Triticum aestivum* L., *Gossypium hirsutum*, *Cicer arietinum* L.) нинг гербицидларга морфогенетик реакциялари, ҳаёт стратегияларининг намоён бўлиши, онтогенетик тактикалари ўрганилганлиги асосида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган экинлар харажатларини камайтириш ва экологик соф маҳсулот олиш усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Санзар навли юмшоқ буғдой ўсимлиги, Султан ва АН-Боёвуд-2 навли ғўза, Юлдуз навли нўхат турларининг экологик ва био-экологик индикатор хусусиятлари очиб берилгани, ўсимликлар морфологик структураси алоҳида параметрларининг индикаторлик роли ва унинг гербицидли стрессда ўзгарувчанлигини, ўсимликларнинг морфологик структура белгиларининг интеграцияси статистик таҳлили уруғларнинг сифат мезонлари яхшилашга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли ўсимликларнинг морфогенезига ва уруғларнинг сифат мезонларига гербицидларнинг таъсири бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юмшоқ буғдой ўсимликларидан Санзар навининг гербицидларга морфогенетик мослашуви экологик ва био-экологик индикаторлари бўйича мақбул турлари ва меъёри юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар Жиззах вилояти Зарбдор туман “Ўғза куртаги” фермер хўжалиги ҳудудларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 29 апрель 04/7-684-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур фермер хўжалигида экологик тоза буғдой маҳсулотини олиш ҳамда атроф-муҳитига зарарли таъсирини камайтириш имконини берилган;

Султан ва Ан-Боёвут-2 навли ғўза турларининг гербицидларга морфогенетик мослашуви экологик ва био-экологик индикаторлари бўйича мақбул турлари ва меъёри юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар Жиззах вилояти Зарбдор туман “Ўза куртаги” фермер хўжалиги 6 гектар майдонда амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 29 апрель 04/7-684-сон маълумотномаси). Натижада, ғўзадан экологик тоза юқори ҳосил олиш имконини берган.

Юлдуз навли нўхот нинг гербицидларга морфогенетик мослашуви экологик ва биоэкологик индикаторлар бўйича илаб чиқилган амалий тавсиялар Жиззах вилояти Зарбдор туман “Ўза куртаги” фермер хўжалиги даласида 3 гектар майдонда қўлланилиб, амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2022 йил 29 апрель 04/7-684-сон маълумотномаси). Натижада, гербицидларни атроф муҳитга зарарли таъсирини камайтириш орқали экологик тоза нўхот маҳсулотини етиштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий –амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий мақола чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусини долзарблиги, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган бўлиб, амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўсимликларнинг стрессга морфогенетик мослашувчанлиги (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан республикамиз ва хорижда олиб борилган илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган. Жумладан, гербицидларни қўллашнинг экологик аспекти, ҳосил структураси белгиларининг (аломатларининг) ўзгарувчанлиги бўйича селекциялашда генетик назорат олиб борилиш, ўсимликларни етиштиришда экологик шароитларининг қулайлигини баҳолаш, ўсимликлар кимёвий ҳимоя воситаларининг экинга


таъсири, белгининг у ёки бу онтогенетик тактикасини аниқлаш орқали ценопопуляциядаги индивидларнинг ҳолатини баҳолаш, морфогенезда онтогенетик тактикалари бир хил бўлмаган табиий ва антропоген шароитларда ўсимликларнинг адаптив реакцияларини баҳолаш, ўсимликларнинг ноқулай шароитларга мослашиш характерини белгилаш, онтогенетик стратегияда ҳимоя ва стресс компонентларининг алмашинувини кузатиш, юқори ифлосланиш шароитларида стрессли стратегиянинг амалга ошишининг ўсимлик морфологик яхлитлигининг кучсизланиши, каби адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот жойининг агроэкологик ҳолати, илмий тадқиқот объекти ва услубияти” деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқот жойининг географик ўрни, тажриба участкасига энг яқин гидрометеорология станцияси маълумотлари, иқлим шароити, тажриба участкасида қўлланилган агротехник тадбирлар, тадқиқот олиб борилган объект ва уни амалга оширишда фойдаланилган усуллар батафсил ёритилган.

Диссертациянинг “Гербицидлар таъсирида Юмшоқ буғдойнинг морфогенетик реакциялари ва стратегиялари” деб номланган учинчи бобида ўсиш ва ривожланишнинг илк босқичларида гербицидларнинг морфогенезга, ўсишга ва ривожланишга таъсирини аниқлаш Пивот-арт гербицидини қўллаш орқали ўтказилди.

Морфологик ўзгарувчанлик структурасида индикатор белгиларининг тўртта гуруҳи аниқланди: генотипик (илдизчалар сони, ниҳол оғирлиги), экологик (ниҳол ер усти ва ер ости қисмлари узунлик ўлчамларининг нисбати), биологик (ниҳолнинг умумий узунлиги), тизимли био- экологик (новда узунлиги ва илдиз тизими узунлиги) (1-расм). Айтиш мумкинки, ниҳол ер усти ва ер ости қисмлари узунлик ўлчамларининг нисбати ташқи шароитларга боғлиқ, тизим ҳолатини эса ер устки қисми ва илдиз тизими узунлик ўлчамлари бўйича баҳолаш мумкин.

Шундай қилиб, ниҳол ер усти ва ер ости қисмлари узунлик ўлчамларининг нисбати ташқи шароитларга боғлиқ, тизим ҳолатини эса новда ва илдиз тизими узунлик ўлчамлари бўйича баҳолаш мумкин.




1-расм. Санзар-4 навли юмшоқ буғдойнинг 5 кунлик ниҳоллари морфологик ўзгарувчанлик структураси – умумий (CV,%) ва мослаштирилган (r^2_{ch}) ўзгарувчанлик нисбати

Изоҳ: 1 – ниҳолнинг умумий узунлиги, 2 – ер усти қисми узунлиги, 3 – илдиз тизими узунлиги, 4 – ниҳол оғирлиги, 5 – илдизчалар сони, 6 – ниҳол ер усти ва ер ости қисмлари узунлик ўлчамлари нисбати. Бу ерда, морфологик ўзгарувчанлик структураси расмларида: Абсцисса ўқи бўйича – мослаштирилган ўзгарувчанлик (белги детерминацияси коэффициентининг ўртачалаштирилган кўрсаткичи, морфологик структуранинг бошқа


белгилари билан - r^2_{ch}), ординатлар ўқиб бўйича–белги ўзгарувчанлик (CV,%).

Гербицидли стресс шароитларида илдиз тизими узунлиги (назоратдаги биологик индикатор) экологик индикаторлар қаторига ўтиш тенденциясини намоён қилади. Бу белгида умумий ўзгарувчанлик ошади ва мослаштирилган ўзгарувчанлик камаяди. “Ер усти ва ер ости органлари оғирлик нисбати” белгиси (назоратдаги экологик индикатор) тизимли индикатор сифатида ўз аҳамиятини оширади – умумий ва мослаштирилган ўзгарувчанлик ошади (2-расм).



2-расм. Гербицидли стресснинг ортишида “илдиз тизими узунлиги” (А) ва “ер усти ва ер ости органлар нисбати” (Б) белгилари индикаторлик ролининг ўзгариши
 Изоҳ: К-1-2-3-4-5-6-7-8-9 – гербицид меъёрсининг кетма-кет (изчил равишда) оширилиши.

Умуман юмшоқ буғдой онтогенетик стратегиясини Грайм бўйича рақобатли стратегияга мувофиқ келувчи ҳимоя-стресс сифатида намоён бўлади. Аммо, гербициднинг энг кам меъёрлари морфологик яхлитликнинг кучли камайишига олиб келади, бу стратегиянинг оздан ўртачагача меъёрларида (0,025-0,20 мл/л) намоён бўлишини горметик эффект деб ҳисоблаш мумкин. Бу гербициднинг турли меъёрларида кўрсаткичнинг статистик аҳамиятли фарқлари билан тасдиқланади (3-расм). Гормезис ўсимлик морфологик интеграциясининг кимёвий стресс билан рағбатлантирилишида намоён бўлади. Максимал адаптив морфогенетик реакциялар 0,10 мл/л концентрацияда намоён бўлди, концентрацияни янада



ошириш юмшоқ буғдойнинг 10 кунлик ниҳоллари морфологик структурасининг яхлитлигини таъминлашда дисбалансга олиб келади.

3-расм. Санзар навли юмшоқ буғдойнинг 10 кунлик ниҳоллари онтогенетик стратегиясининг тренди

Изоҳ: абсцисса ўқи бўйича – гербицид концентрацияси (мл/л), ординаталар ўқи бўйича – морфологик структура барча белгилари детерминациясининг ўртача кўрсаткичи. - $\alpha \leq 0,05$ (назоратдан фарқи); ** - $\alpha \leq 0,1$ (0,10 мл/л қиймати варианты учун максималдан фарқи); *** - $\alpha \leq 0,01$ (0,025 мл/л қиймати варианты учун максималдан фарқи).*

Санзар навли юмшоқ буғдой донининг сифат мезонларига гербицидларнинг таъсири. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштиришда ҳосил элементларининг қандай шаклланганлигига боғлиқ бўлади. 1000 дон дон оғирлиги буғдой ҳосил салмоғини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Тажриба майдонидан олинган Санзар-4 савли буғдойнинг 1000 дон дон оғирлиги лабораторияда таҳлил қилинганда 1000 дон дон оғирлиги бўйича энг юқори натижа 0,1 мл/л гербицид концентрацияли тажриба намунасида (41.8 гр) кузатилган бўлса, энг кам дон оғирлиги 0,0125 мл/л гербицид концентрацияли тажриба намунасида (41,8 гр) аниқланди.

Дон натураси доннинг тўлалиги ва йириклигини кўрсатувчи хусусиятлардан бири, граммдаги бир литр маҳсулотнинг массаси бўлиб, ун ва донни баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади. Қийматлар қанчалик баланд бўлса, хом ашёда озуқа моддалари шунчалик кўп бўлади ва у шунчалик яхши бўлади. Шундай қилиб, бундай дон яхши ривожланган ва унинг катта қисми эндоспермга тўғри келади. ГОСТ 52554-2006 бўйича юқори, биринчи ва иккинчи синфлар учун дон натураси камида 750 г/л бўлиши керак. Тажрибада эса бу кўрсаткич 750 дан 802 г/л гача бўлган қийматга эга эди. Ўрганилган барча навларда дон натураси 750 гр/л дан юқори бўлганлиги қайд қилинди.

Тажрибада Пивот-арт гербицидини қўллаш орқали Санзор-4 навли юмшоқ буғдой дон таркибида клейковина миқдорининг ўзгариши кузатилди. Клейковина миқдорининг баланд кўрсаткичи 0,1 мл/л гербицид концентрацияли тажриба намунасида (34,7 %) кузатилган бўлиб ва бу кўрсаткич назорат намунасига қараганда 7.1 % га кўп эканлигини кўрсатди, энг паст кўрсаткичи 0,05 мл/л гербицид концентрацияли тажриба намунасида (30.2 %) намоен қилди ва бу кўрсаткич назорат намунасига қараганда 6.8 % га кам эканлигини кўрсатди.

Бундан ташқари, ювиш жараёнида чўзиш, эластиклик, ёпишқоқлик ва дастлабки жисмоний хусусиятларни сақлаб қолиш қобилияти параметрлари билан белгиланадиган клейковина сифатига катта аҳамият берилди. Эластиклик деформация ўлчагич (ИДК) томонидан ўрнатилди ва тажрибанинг барча вариантларида 69,2–82,2 бирликни ташкил этди, бу кучсиз қониқарли сифат гуруҳига тўғри келди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Пивот-арт гербицидлардан фойдаланиш кузги буғдой донининг сифатига сезиларли таъсир кўрсатиб, 0,05 ва 0,0125 мл/л гербицид концентрацияли тажриба намуналарида клейковина сифати II гуруҳга (кучсиз қониқарли) тўғри келади. Санзар-4 навли юмшоқ буғдой донининг сифат мезонларига гербицидларни таъсирини даражали корреляциялардан фойдаландик. Спирман, Тау Кендалл ҳам Пирсон билан тахминан бир хил натижа берди. Динамика сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, гербицид


стресси уруғ вазнининг ошишига олиб келади (0,26), уруғ вазнининг ошиши эса клейковина миқдори (0,50) билан ижобий боғлиқдир. Гербицид концентрациясини ошириш ИДКни (-0,45) камайтиради. Умуман олганда, уруғлар вазнининг ортиши ва уннинг клейковина сифати яхшиланишининг ортиши ва ИДКнинг камайиши туфайли ҳосилдорлик ошиши мумкин.

Диссертациянинг **“Гербицидлар таъсирида ғўзанинг морфогенетик реакциялари ва стратегиялари”** деб номланган тўртинчи бобида ғўза навлари белгиларининг ўзгарувчанлиги, морфогенетик ўзгарувчанликнинг тузилиши уруғининг сифат мезонларига гербицидларнинг таъсири, онтогенетик тактика ва стратегия ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ўсиш ва ривожланишнинг илк босқичларида буғдойнинг морфогенезига, ўсиши ва ривожланишига гербицидларнинг таъсирини синашни (текширишни) Клопиралид гербицидини қўллаган ҳолда ўтказдик. Ўлчашни 7 кунлик ниҳолларда амалга оширдик.

Турли меъёрдаги гербицидлар қўлланган барча вариантларда белгилар мослаштирилган ўзгарувчанлигининг сусайиши содир бўлади. Бу ҳолатларда бу гербицидларнинг паст меъёрларида белгининг генотипик индикаторлар қаторига ўтиши билан умумий ўзгарувчанликни пасайишини, юқори меъёрларида эса белги ролининг экологик индикатор сифатида кучайиши билан умумий ўзгарувчанликнинг ошиши кузатилади.

Гербицид стресси даражасига, шунга ўхшаш боғлиқликни ниҳолнинг умумий оғирлиги ҳам кўрсатади (4-расм, А). Узунлик ва оғирлик кўрсаткичлари бир йўналишли (бир ёқлама) ўзгаришлари, оғирлик кўрсаткичларида гипокотиль ва илдиз тизимларининг ўсиши янада яққол (ёрқин) ифодаланиши кузатилди.




4-расм. Гербицид стрессининг ортишида Ан-Боёвуд-2 навли 7 кунлик ғўза ниҳолларининг ниҳол оғирлиги (А), илдиз оғирлиги (узук чизик) ва узунлиги (Б), новда оғирлиги (узук чизик) ва узунлиги (В) динамикаси

Кўриб чиқилган морфологик структура белгиларининг ичида генотипик индикаторлар йўқ. Илдиз узунлиги ва новда оғирлигининг илдиз оғирлигига нисбати ташқи шароитларга боғлиқ бўлган экологик индикаторлар ҳисобланади. Ниҳол оғирлиги, новда узунлиги ва новда оғирлиги ўсимлик морфологик структурасини қўллаб турадиган биологик индикаторлар. Ўсимликлар ҳолати тизимли индикатор – илдиз оғирлиги бўйича баҳоланади.

Гербицидларнинг паст меъёрларида белгининг генотипик индикаторлар қаторига ўтиши билан умумий ўзгарувчанликни пасайиши, юқори

меъёрларида эса белги ролининг экологик индикатор сифатида кучайиши билан умумий ўзгарувчанликнинг ошиши кузатилади – бу “ниҳол оғирлиги” белгиси учун характерли (5-расм, А).



А

Б


5-расм. Гербициднинг турли концентрацияларида морфологик ўзгарувчанлик структурасида ниҳол оғирлиги (А) ва новда ва илдиз оғирлиги нисбати (Б) индикаторлик ролининг ўзгариши

Изоҳ: К-1-2-3-4-5-6-7 – гербицид меъёрининг кетма-кет ошиши.

“Новда ва илдиз оғирлиги нисбати” белгиси индикаторлик ролининг ўзгаришида тескари тенденция кузатилади – гербицидларнинг паст меъёрларида белгининг экологик индикатор сифатида, юқори меъёрларда эса генотипик индикатор сифатида аҳамияти ошади.


Онтогенетик тактика ва стратегия. Ўсиш ва ривожланишнинг илк босқичларида гўза морфогенезида стрессли онтогенетик стратегия аниқланган.

Мураккаб онтогенетик тактикани “илдиз оғирлиги” белгиси намойиш қилади – стресснинг кичик меъёрларида (0,03-0,05 мл/л) вариация ортади, катта меъёрларида эса (0,08-0,16 мл/л) камаяди. Ўртача меъёрда (0,04 мл/л) белги вариациясининг юқори меъёрларга (0,08 мл/л) кейинги кўтарилиш билан максимал пасайиши кузатилади. Белгининг стабиллашиши стресс даражасида адаптив механизмларнинг ўсимлик ер ости соҳасига ўтиши юз берганда содир бўлади (6-расм).



6-расм. Гербицид стрессининг кучайишида Ан-Боёвуд-2 навли 7 кунлик гўза ниҳолларида “илдиз оғирлиги” белгиси вариацияси кўрсаткичининг динамикаси

Клопиралид гербициди қўлланилган дала тажрибаларида ғўза ўсимликлари химоя онтогенетик стратегияни (7-расм) намоён қилди, бу ғўзани морфологик структура интеграциясининг намоён бўлиш даражасида кимёвий стрессга адаптив хоссаларни намоён қилиш қобилиятига эга бўлган ўсимлик сифатида характерлайди.



7-расм. Гербицид стресси кучайишида Султан навли ғўза онтогенетик стратегиясининг динамикаси

Барча белгилар гербициднинг максимал меъёрида жуда юкори ўзгарувчанликни кўрсатди, бу морфологик интеграцияни сезиларли ошиши билан уйғунликда ғўзадаги кучли кимёвий стрессда ниҳоятда организмлик даражасидаги адаптив реакцияларни намоён бўлишини кўрсатади.

Галаксифоп-П-метил гербицидини қўллаш билан дала тажрибаларида гербициднинг синалаётган максимал меъёрида (0,5 мл/л) ўсимлик баландлиги ва асосий новдадаги мевалар (кўсақлар) сонининг статистик аҳамиятли (муҳим) ошиши (кўпайиши) намоён бўлади, буни уруғларнинг катта қисмининг рудерал ўсимликлар учун характерли бўлган эрта шаклланиш стратегиясига қайтиш деб ҳисоблаш мумкин. Гербициднинг минимал меъёрида ўсимликлар морфологик яхлитлиги (0, 0625 мл/л) пасаяди, кейин гербицид стрессининг кучайиши билан максимал қийматларгача ошади (7-расм). Бу стрессли-химоя онтогенетик стратегиянинг намоён бўлишидир. Стрессли-химоя онтогенетик стратегия Грайм бўйича стресс-толерант стратегияга мос келади. Шундай қилиб, Султан навли ғўзада кимёвий стресс шароитларида пациент ёки стресс-толерант стратегия намоён бўлади, уни навнинг фазилати (афзаллиги) деб ҳисоблаш мумкин – нав стрессли таъсирларга мослашган, жумладан, гербицид стрессига ҳам.

Морфогенетик структуранинг барча алоҳида белгилари учун онтогенетик стратегияларнинг анологик (ўхшаш) трендлари аниқланган, масалан, “ён новда кўсақлари сони” белгиси учун.

Ғўза уруғининг сифат мезонларига гербициднинг таъсири. Тажрибада Галаксифоп-П-метил гербицидининг Султан навли ғўза уруғларнинг сифатига таъсири кўрсатилган. Баҳолаш ёғ миқдори, госсипол миқдори, оксил миқдори ва 1000 дона уруғ вазни каби мезонларга мувофиқ амалга оширилди.

Султан навли ғўза уруғларнинг ёғ миқдори таҳлил қилинганда назорат вариантыдаги намунанинг ёғ миқдори 34,7 % бўлганлиги аниқланди. Танланган 4 та намунанинг 31,9 – 33,5 % ораликда бўлгани қайд қилинган.


Султан навли ғўза уруғи назоратдаги намуналарнинг оқсил миқдори таҳлил қилинганда 16,4 % ни ташкил қилди. Танланган 4 та намунанинг оқсил миқдори кўрсаткичи 14,7 – 16,5 % ораликда бўлгани қайд қилинган.

Султан навли ғўза уруғи назоратдаги намуналарнинг ёғ таркибидаги госсипол миқдори таҳлил қилинганда 3,24 мг/г ни ташкил қилди (4.4.3-илова). Танланган 4 та намунанинг госсипол миқдори кўрсаткичи 3,35 – 3,69 мг/г ораликда бўлгани қайд қилинган.


Гербициднинг 0.25 мл/л меъёри бошқа гербицид билан ишлов берилган намуналарга нисбатан ёғ таркибидаги госсипол миқдорини 9,2 % га камайтирди. Бу меъёр гербицид стрессининг ортишида ўсимлик баландлиги учун экологик индикатор, асосий новдадаги мевалари сони учун “генотипик” ёки “таксономик” индикаторлик ролини намоён қилади. Гербициднинг 0.125 мл/л меъёри эса ёғ таркибидаги госсипол миқдорини намунадагиларга қараганда ортганлиги (3,69 мг/г) кузатилди. Гербициднинг стрессдан химоя қилиш стратегияси 1000 дона уруғнинг вазнига қараб гербициднинг концентрациясининг ортиши билан кузатилади. Юқори кимёвий стресс остида уруғ вазнининг кўпайиши наслнинг яшовчанлигига мослашишнинг намоёнидир. Шу билан бирга, уруғларнинг ёғ таркибини камайтириш ва госсипол миқдорини ошириш тенденцияси мавжуд. Бу эса полифенолларнинг химоя ролини намоён қилади. Ёғ таркиби ва госсипол ўртасида салбий ва статистик жиҳатдан муҳим корреляция мавжуд.

Диссертациянинг **“Маданий нўхатнинг гербицидлар таъсиридаги морфогенетик реакциялари ва стратегиялари”** деб номланган бешинчи бобида маданий нўхатнинг Юлдуз нави белгиларининг ўзгарувчанлиги, морфогенетик ўзгарувчанликнинг тузилиши, уруғининг сифат мезонларига гербицидларнинг таъсири, онтогенетик тактика ва стратегиялари келтирилган.

Октапон экстра гербициди қўлланган дала экспериментлари. Назорат вариантыда ўсимлик баландлиги ва ўсимликдаги мевалар сони жуда паст ўзгарувчанликка эга эканлиги кузатилди. Бир ўсимлик уруғларининг оғирлиги ва бир мева уруғларининг оғирлиги паст ва ўрта ўзгарувчанлик даражасига эга. 8-расмда нўхат ўсимлиги белгиларининг гербицид концентратига боғлиқлиги кўрсатилган.



А



Б

8-расм. Гербицид стрессининг ошиб боришида Юлдуз навли маданий нўхат белгиларининг ўртача қийматлари динамикаси


Изоҳ: *** - назорат вариантидагидан статистик аҳамиятли фарқи ($\alpha \leq 0,001$).

Ўсимлик баландлиги, мевалар сони ва бир ўсимлик уруғлари оғирлиги учун гербицид концентратидан белгининг ўртача қийматлари статистик аҳамиятли салбий корреляцияси аниқланди (8-расм, А-В).

Шунингдек, бир мева уруғларининг оғирлиги учун, шундай бошқа барча белгилар учун ҳам, максимал стрессда (0,67 мл/л) белгининг ўртача қийматларининг назорат вариантыдагидан юқори даражадаги аҳамиятли ($\alpha \leq 0,001$) фарқи аниқланди.

Морфологик ўзгарувчанликнинг тузилиши. Нўхат ўсимлиги морфологик ўзгарувчанлиги структурасида белгиларнинг иккита қарама-қарши гуруҳи намоён бўлади. Генотипик индикаторлар (ўсимликлар баландлиги ва ўсимликдаги мевалар сони) ва тизимли индикаторлар (бир ўсимликдаги уруғлар оғирлиги ва бир мевадаги уруғлар оғирлиги).

Гербицид стрессининг ортиб боришида белгилар индикаторлик ролининг алмашиш тенденциялари намоён бўлади. Бир ўсимликдаги ва бир мевадаги уруғлар оғирлиги учун тизимли индикатор ролининг кучайиши қайд этилади. Ўсимликдаги мевалар сони генотипик индикаторлар соҳасидан тизимли индикаторлар соҳасига алмашади (9-расм).



9-расм. Гербицид стрессининг ортиб боришида “Ўсимликдаги мевалар сони” белгиси индикаторлик ролининг алмашиши

Изоҳ: K-1-2-3-4 – гербицид меъёрининг кетма-кет ошиши.

Шундай қилиб, гербицид стрессининг ортиб боришида “ўсимлик баландлиги” ва “ўсимликдаги мевалар сони” белгиларининг генетик детерминацияси кучсизланади.

Онтогенетик тактика ва стратегиялар. Онтогенетик стратегияни умуман стрессли-ҳимояли сифатида баҳолаш мумкин. Гербицидларнинг минимал дмеъёрида (0,08 мл/л) ўсимликларнинг морфологик интеграцияси ошади, аммо кимёвий стресснинг янада кучайиши ўсимлик морфологик структурасини ташкил қилувчиларининг ривожланишида белгиларнинг координациясига йўналтирилган ҳимоя потенциалини тугашига олиб келади. Гербицид стрессининг янада ортиши ўсимликлар морфологик интеграциясининг кучайишига олиб келади.

Маданий нўхат белгиларининг онтогенетик тактикалари (белги ўзгарувчанлик даражасининг қонуниятли ўзгаришлари), асосан, дивергент-конвергент характерга эга. Бу онтогенетик тактика “ўсимлик баландлиги” ва “бир ўсимлик уруғларининг оғирлиги” белгиларида яққол ифодаланган. Мевалар сони учун дивергент-конвергент онтогенетик тактиканинг намоён бўлиши характерлидир.

Юлдуз навли нўхат уруғининг сифат мезонларига гербицидларнинг таъсири. Октопон ва Энтостар гербицидларининг Юлдуз навли нўхат уруғи сифатига таъсири кўрсатилган. Баҳолаш 1000 дона дон вазни, дон натураси, оқсил таркиби мезонларга мувофиқ амалга оширилди.

Октопон ва Энтостар гербицидларининг Юлдуз навли нўхат намуналарнинг ҳажмий оғирлиги таҳлил қилинганда назорат вариантыдаги намуналарнинг 1000 дона дон вазни кўрсаткичи 388,5 г бўлганлиги аниқланди. Танланган 8 та намуналарнинг 1000 дона дон вазни кўрсаткичи Октопон гербициди учун 375,8 – 389,4 г, Энтостар гербицидида 388,2-390,4 г ораликда бўлгани қайд қилинган.

Лаборатория текширувлари давомида назорат вариантыдаги намуналарнинг дон натура кўрсаткичи 787,4 г/л ни ташкил қилди. Танланган 8 та намуналарнинг дон натура кўрсаткичи Октопон гербициди учун 788,6 – 790,8 г/л, Энтостар гербицидида 788,2-790,1 г/л ораликда бўлгани қайд қилинган.

Нўхатнинг сифатини ифодаловчи муҳим бўлган белгилардан бири бу оқсил миқдоридир. Юлдуз навли нўхат доннинг назоратдаги дон намуналарнинг оқсил миқдори таҳлил қилинганда 24,3 % ни ташкил қилди. Танланган 8 та намуналарнинг оқсил миқдори кўрсаткичи Октопон гербициди учун 22 – 25,8 %, Энтостар гербицидида 22,8-24,7 % ораликда бўлгани қайд қилинган.

ХУЛОСАЛАР

“Турли ўсимликларнинг морфогенезига ва уруғларнинг сифат мезонларига гербицидларнинг таъсири” мавзусидаги диссертация иши

бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Санзар-4 навли юмшоқ буғдой ўсимлигида ниҳол ер усти ва ер ости қисмлари оғирлиги нисбати экологик индикатор, ер устки қисми узунлиги, илдиз тизими узунлиги эко-биологик индикатор, Султан навли ғўза ўсимлигида кўсак мевалар сони экологик индикатор, гуллар сони ва мевалар сонининг гуллар сонига нисбати эко-биологик индикатор, Юлдуз навли маданий нўхат ўсимлигида ўсимлик баландлиги экологик индикатор, бир ўсимликдаги ва бир мевадаги уруғлар оғирлиги эко-биологик индикатор сифатида ўз белгиларини намоён қилади.

2. Гербицид стресси ортиши билан ниҳол белгиларининг индикаторлик роли ўзгариши рўй беради. Юмшоқ буғдой ўсимлигида гербицидли стресс шароитларида илдиз тизими узунлиги (назоратдаги биологик индикатор) экологик индикаторлар қаторига ўтиш тенденциясини намоён қилади.

Ғўза ўсимлигида кўсаклар мевалар сони экологик индикатор, у бу белгини ўсимликка агротехник ва агрохимик воситалар билан таъсир кўрсатиб бошқариш имкониятини беради. “Ер устки қисми ва илдиз оғирлиги нисбати” белгиси индикаторлик ролининг ўзгаришида тесқари тенденция кузатилади – гербицидларнинг паст меъёрларида белгининг экологик индикатор сифатида, юқори меъёрларда эса генотипик индикатор сифатида аҳамияти ошади.

3. Клопиралид гербицидга ғўза ўсимлигининг кўсак мевалар ва гуллар сонига таъсирчан эканлиги, ғўзага бу даврида юқори концентрацияли (0,4-0,8 мл/л) гербицид билан ишлов бериш қолдиқ гербициднинг ўсимлик уруғида тўпланишига сабаб бўлади. Пивот-арт гербицидини буғдой уруғини экишдан олдин қўллаш гербицид миқдорини камайтиришга (0.05 мл/л) ва уруғнинг униб чиқишини 12% га ошириш мумкин.

4. Юмшоқ буғдойга гербицид билан ишлов бериш дон натурасининг 28,4 г/л га, 1000 дона дон вазни 2,5 г га, клейковина миқдорини 2,3% га, клейковина сифати 7,9 (ИДК) гача ортиб бориши, Султан навли ғўза уруғларида ёғ миқдори 2.8 % га камайтириши, оқсил миқдори 0,1 % га ва госсипол миқдори 0,45 мг/г гача ортиб бориши, Юлдуз навли нўхат уруғларида дон натурасининг 3,4 г/л га, 1000 дона дон вазни 2,6 г га, Оқсил миқдорини 1,5 % гача ортиб бориши қайд этилган.

5. Гербицидлар тўлиқ танлашни намоён қилишга қодир эмас ва ҳар доим агроэкосистемага зиён етказиш хавфи мавжуд, жумладан маданий ўсимликларга ҳам. Гербицидларни қўллашни такомиллаштириш зарурияти бор, масалан, ўғитлаш (дориллаш) миқдорини камайтириш билан бир вақтда самарадорлигини ошириш. Янги авлод замонавий гербицидларини қўллаш ҳамда қўллаш инструкциясига ва миқдорига риоя қилиш экосистемага таъсирни минималлаштиришга имкон беради. Олинган натижалар республика қишлоқ хўжалигида қўлланилиши мумкин бўлган гербицидлар турларини Давлат рўйхатига киритишга ва тегишли қарорлар қабул қилишга кўмаклашади.

6. Санзар-4 навли юмшоқ буғдой донининг сифат мезонларига гербицидларни таъсирини динамика сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, гербицид стресси уруғ вазнининг ошишига олиб келади (0,26), уруғ вазнининг ошиши эса клейковина миқдори (0,50) билан ижобий боғлиқдир. Гербицид концентрациясини ошириш ИДКни (-0,45) камайтиради. Умуман олганда, уруғлар вазнининг ортиши ва уннинг клейковина сифати яхшиланишининг ортиши ва ИДКнинг камайиши туфайли ҳосилдорлик ошириш ва Санзар-4 навли юмшоқ буғдой донининг сифатини яхшилаш мумкин.

7. Гербициднинг стрессдан ҳимоя қилиш стратегияси 1000 дона уруғнинг вазнига қараб гербициднинг концентрациясининг ортиши билан кузатилади. Юқори кимёвий стресс остида уруғ вазнининг кўпайиши наслнинг яшовчанлигига мослашишнинг намоёнидир. Шу билан бирга, уруғларнинг ёғ таркибини камайтириш ва госсипол миқдорини ошириш тенденцияси мавжуд. Бу эса полифенолларнинг ҳимоя ролини намоён қилади. Ёғ таркиби ва госсипол ўртасида салбий ва статистик жиҳатдан муҳим корреляция мавжуд ($p < .05$).

8. Гербицид стресси ортиши ғўзанинг Ан-Боёвуд-2 нави белгиларнинг “ниҳол оғирлиги” ва “новда оғирлиги” дивергент-конвергент онтогенетик тактикани номёон қилди. Илдиз узунлиги ва гипокотиль узунлиги конвергент-дивергент тактикага эга. Мураккаб онтогенетик тактикани “илдиз оғирлиги” белгиси намоёиш қилади стресснинг кичик меъёрларида (0,03-0,05 мл/л) вариация ортади, катта меъёрларида эса (0,08-0,16 мл/л) камаяди. Ўртача меъёрда (0,04 мл/л) белги вариациясининг юқори меъёрларга (0,08 мл/л) кейинги кўтарилиш билан максимал пасайиши кузатилади. Белгининг стабиллашиши стресс даражасида адаптив механизмларнинг ўсимлик ер ости соҳасига ўтиши юз берганда содир бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/27.02.2020.B.01.15 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ПАРДАБАЕВ ШЕРЗОД ТОХИР УГЛИ

**ВЛИЯНИЕ ГЕРБИЦИДОВ НА МОРФОГЕНЕЗ РАЗЛИЧНЫХ
РАСТЕНИЙ И КРИТЕРИИ КАЧЕСТВА СЕМЯН**

03.00.10 – Экология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тошкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве Высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2024.1.PhD/D671.

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета: (www.nuu.uz) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Хайдаров Хислат Қудратович доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Алимжанова Холисхон Алимжановна доктор биологических наук, профессор Носиров Бахтиёр Салохиддинович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Ведущая организация:	Бухарский государственный университет

Защита диссертация состоится «13» июля 2024 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/27.02.2020.B.01.15 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, д 4. Корпус экологического факультета Национального университета Узбекистана, 2-й этаж, комната 203. Тел.: (+99871-246-67-72).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под № 56). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, д 4. Тел.: (+99871-246-67-72).

Автореферат диссертации разослан “27” июня 2024 года.

(Реестр протокола рассылки № 18 от 27 июня 2024 года).



Рахимова Тура Узоковна
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор биологических наук, профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат биологических наук, доцент

Жаббаров Зафаржон Абдукаримович
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Применение гербицидов в мире является одним из главных условий повышения урожайности сельскохозяйственных культур. Максимальная безопасность гербицидов последнего поколения для человека и теплокровных животных обеспечивается не только специфическими свойствами препарата, но и методом безопасного применения. В частности, целевыми объектами применения гербицидов являются дикие растения, а важным показателем эффективности гербицидов является снижение загрязнения, важен экологический анализ, а также изучение влияния гербицидов на критерии качества семян.

На основе онтогенетических стратегий и тактик особенностей морфологического строения растения в мире проводятся научные исследования по определению влияния гербицида на качественные показатели семян и оценке их качества. В связи с этим особое внимание уделяется определению изменчивости элементов морфологической структуры растений под воздействием гербицидов, оценке индикаторной роли параметров морфологической структуры растений и ее изменчивости при гербицидном стрессе, а также определению гормональные эффекты в реакции культурных растений на применение гербицидов.

В настоящее время в нашей республике достигаются определенные результаты по сокращению накопленных в окружающей среде токсичных элементов, улучшению состояния окружающей среды и реконструкции загрязненных территорий. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи по»¹ совершенствованию механизмов оценки уровня загрязнения окружающей среды, мониторингу окружающей среды, прогнозированию уровня ее загрязнения, обеспечению постоянного информационного обеспечения государственного экологического контроля, мониторингу состояния источников загрязнения и воздействия на окружающую среду". Исходя из этих задач, важное научно-практическое значение приобретают, в частности, существенное снижение вредного воздействия на окружающую среду путем применения на сельскохозяйственных угодьях требуемого типа и нормы гербицидов, выборочная посадка культур, выращиваемых в сельском хозяйстве, которые плохо поглощают многие распространенные в токсичной среде элементы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализация задач, поставленных в постановлении №ПФ-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», указах Президента Республики Узбекистан № ПФ-5742 от 17 июня 2019 года «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в

